

муҳаммад Қори Ниёзий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Саид Ризо Ализода. Рафиқ Мўмин кабиларни ҳам кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Юқоридаги каби миллий педагоглар ўзларининг фаолиятларида энг аввало она тилида дарсликлар яратиш ва нашр қилиш ишларига жиддий эътибор берганлар. Масалан: 1917 йилда С. Ализода бошланғич мактабларнинг биринчи синфлари учун “Биринчи йил” номли ўқув қўлланмасини тайёрлаган. 1918 йили Маҳмудхўжа Бехбудий бошланғич синфлар учун “Янги ҳисоб” деб номланган дарслигини чоп эттирган. Шунингдек, маҳаллий мактаблар учун дарсликлар яратишда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Хофиз Саидий. И. Мирзажонов кабилар ҳам фаол иштирок этганлар.

Ўша йилларда миллий зиёлиларимизнинг фаол ҳаракатлари билан турли китоблар (шу жумладан, бадий асарлар) ҳам яратилган ва чоп этилган. Жумладан, 1917 йили 7 та китоб чоп этилган бўлса, 1918 йили 33та, 1919 йили 91 та, 1920 йили 118 та китоб чоп этилган. Бу ишда педагоглар билан бир сафда маҳаллий журналистлар, босмахона ишчилари ҳам самарали фаолият кўрсатдилар. Уларнинг сайёҳ ҳаракатлари билан ўлкада миллий матбуот ва маданият равнақ топди.

Бунинг ёрқин далили сифатида шу йилларда “Маориф”, “Ишчилар дунёси”, “Касабачилик ҳаракати”, “Болалар дунёси”, “Инқилоб”, “Билим ўчоғи”, “Муштум”, “Деҳқон”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Янги йўл” каби ойнмаларнинг фаолият кўрсатганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ўз даврида мазкур ойнмалар кенг меҳнаткашлар оммасини, айниқса, ёшларнинг миллий тарбиясида муҳим аҳамият касб этган.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, гарчи инқилоб ва ундан кейинги йилларда ҳам миллий зиёлиларимиз ўзларининг фаолиятлари давомида кенг халқ оммасининг манфаатларидан келиб чиқиб, қадриятларимиз, анъана, урф-одат, удумларимизга суянган ҳолда миллий таълим ҳамда маданиятни янада ривожлантириш соҳасида сезиларли даражада фаоллик кўрсатишган бўлишсаларда, аммо собиқ тузум, полетариат диктатураси улардаги бу интилишларни бўғишга интилди: уларнинг кўпчилик қисми халқ, миллат хоини сифатида қораланди ва аёвсиз жазоланди. Фақатгина мустақилликка эришилган бугунги кунда ўтмишдаги зиёлиларимизнинг ўлкамизда миллий таълим ва маданият соҳасида кўрсатган фидойиликлари оқилона баҳоланмоқда. Шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва фаолиятларидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тарбиясида восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

Бизнингча, кенг жамоатчилик орасида маънавий - маърифий ишларни амалга оширишда ўтмишдаги миллий зиёлиларимизнинг ҳаёти ва фаолиятларидан тарбиявий восита сифатида фойдаланишда қуйидагиларга эътиборнинг қаратилиши лозим:

- ҳар бир ўқувчи ёки тарғиботчи аввало миллий зиёлиларимизнинг ҳаёти ва фаолиятларини атрофлича ўрганишлари зарур;

- уларнинг миллий таълим, маданият борасида амалга оширган ишлари ва унинг таълим - тарбиявий, маданий - маърифий аҳамиятини ўқувчи ёшларга батафсил баён этиш;

- маҳаллий зиёлиларимиз томонидан илгари сурилган ғоялар, дебоचा сифатида амалга оширган ишларининг бугунги кунда мамлакатимизда миллий, маънавий - маърифий ишларни такомиллаштиришдаги моҳиятига алоҳида эътиборни қаратиш.

Қўқон давлат педагогика институти

Қабул қилинди  
25.05.97

УДК 947/575.1

## “ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” ВА УНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

М.Жабборов

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат миллий кутубхонасининг нодир нашрлари бўлимида сақланаётган 594 жилдан иборат “Туркистон тўплами”

нодир нусха бўлиши билан бирга жилдининг кўплиги жиҳатдан дунёда ягона бўлган тўпламлар қаторига киради.

Машҳур рус библиографи, қатор илмий асарлар муаллифи В.И.Межов (1831-1894) Туркистон Генерал губернатори К.П.фон Кауфман таклифи билан 1868 йили "Туркистон тўплами"ни тузишга киришади ва 1888 йилга қадар унинг 416 жилдини нашр эттиради.

В.И.Межов томонидан тўпланган тарихий, иқтисодий-статистик, этнографик маълумотлар, адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшуносликка оид материаллар тадқиқодчиларга "Майда ҳажмдаги маълумотларни йирик босма нашрлар оқими ичидан топиб олишга ёрдам беради"[1].

Турли-туман манбаларга асосланган "Туркистон тўплами"дан фойдаланишда Межов томонидан тузилган 3 жадвалдан иборат "Рус ва хорижий тиллардаги мақола ва асорларни системали ва алифболи курсаткичлари" ўқувчига енгиллик туғдиради. У қуйидагича тузилган:

"Алифболи кўрсаткичлар": 1) муаллифлар, таржимонлар ва библиографияда учрайдиган номлар кўрсаткичи; 2) жой номлари; 3) хорижий тилларда библиографияда учрайдиган муаллиф ва предметлар кўрсаткичи.

"Системали кўрсаткич"да материал қуйидагича группаланган: I. "Ўрта Осиё ҳақида махсус ёзилган мақолалар"; 1) "География, тарих шунингдек, сиёсий мавзудаги мақола ва асарлар"; 2) "Ўрта Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳат ва илмий экспедициялар". II. "Ўрта Осиё ҳақида махсус ёзилган мақолалар": 1) "Ўрта Осиёдаги рус мамлакатлари": А. "География, статистика ва этнография" Б. "Тарих ва қўмакчи фанлар": В. "Иқтисод, сиёсат ва ҳуқуқий фанлар": Г. "Қишлоқ ҳўжалик, деҳқончилик, боғдорчилик, ўрмончилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик". Д. "Технология: а) ипакчилик, пахтачилик, вино ишлаб чиқариш: б) тоғ-кон саноати": Е. "Математика, табиий фанлар": а) геология, б) матералогия, в) астрономия ва геодезия": Ж. "Медицина". 3. "Библиография, тилшунослик, оғзаки ва ёзма ижодиёт": 2) "Россия таркибига кирмаган Ўрта Осиёдаги рус мамлакатлари": А. "Бухоро", Б. "Хива", В. "Туркменистон", Г. "Мўғилистон, Шарқий Туркистон"; Д. "Қашқар". 3) Инглиз мустамлакалари - Хиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар ҳақидаги мақолалар кўрсаткичлари.

Кўплаб тадқиқотчилар "Туркистон тўплами"нинг Ўрта Осиё тўғрисида матбуот саҳифаларида эълон қилинган барча маълумотлар энсиклопедияси деб ҳисоблашган. Бундай фикрни П.П. Семенов - Тянь - Шанский, А.Ф. Миддендов, Г.П. Федоров ва бошқалар баён қилганлар.

Албатта, улкан ҳажмдаги материаллар мажмуасига қарамасдан, уша даврда Ўрта Осиё тўғрисидаги матбуотда берилган маълумотларнинг барчаси тўпламга киритилмаган. Бу ҳақида В.Межов "Бу ҳар томонлама йиғилган энциклопедия. Лекин тўлиқ эмас, жуда кўп материаллар тўплаш осон бўлмаганлиги сабабли, тўпламга киритилмай қолган" - дейди[2].

1888 йили маъмурият томонидан тўплам тузиш ишининг тўхтатилганлиги хусусан В.И.Межовнинг Ўрта Осиёдаги тадқиқотчилик фаолиятига қаттиқ зарба бўлди.

Нихоят 1907 йили тўплам тузиш иши қайтадан ташкил этилди. Дастлаб бу иш билан Ўрта Осиё билимдони Н.В.Дмитровский, машҳур этнограф А.А.Диваев, Туркистон марказий кутубхонаси мудири И.П. Зиков, шарқшунос олимлар Ю.Ф. Бонч - Осмоновский, А.А. Семенов, И.И. Гейер ва бошқалар шуғулландилар. 1907-1909 йиллар мобайнида тўпламнинг навбатдаги 127 жилди тузилди.

1910 - 1916 йиллар мобайнида А.А. Семенов раҳбарлигидаги тўпламнинг 48 жилди тайёрланди. Ушбу гуруҳ Межов ҳамда Дмитриевский бюроси иш услубларидан фарқли ўлароқ, газета кўчирмаларини тўпламга киритишдан воз кечди. Межов жилдларида мавжуд, бироқ 1907-1909 йилги нашр этилган тўпламда бўлмаган системалиликни йўлга қўйди. Бундан ташқари, Семенов гуруҳи олинаётган материални жиддий таҳлил қилиб, баъзи бир нашрларга изох берди.

Тўпламнинг охири 3 жилди 1939 йил Е.К.Бедгер томонидан тузилган бўлиб, ушбу жилдлар А.Н.Терентьевнинг “Ўрта Осиёни босиб олинishi” номли асарига бағишланган.

Ҳозирги кунда “Туркистон тўплами” каби манбаларга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Биз ушбу тўпладан фойдаланибгина қолмасдан, уни асраб-авайлаб тўплам тузиш ишини яни давом эттирсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

#### АДАБИЁТЛАР

[1]. Л о г о ф е т Д. Н. Туркистанский сборник. Туркистанские ведомости, 1908, №27 [2]. К о с и - м о в а А. Туркестанский сборник. Ташкент, 1985, 29- б.

Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси

Қабул қилинди  
20.12.96.

УДК 947.575.1

### ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА МАРҒИЛОН ШАҲРИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ТАРИХИДАН

И.Холбеков, А.Шарафиддинов

Фарғона водийсининг қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланган Марғилон кўп асрлар давомида ўлканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб келган. Шу даврлар давомида бу ерда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топган. 1813-1814 йилларда Марғилонда бўлган рус элчиси Ф. Назаров шаҳар ва шаҳар атрофи аҳолиси ҳақида “улар қоғоз ишлаб чиқариш билан ҳамда ипак кўрти боқиш билан машғул бўлишганлар. Шаҳар аҳолиси орасида ҳунармандчилик ва турли-туман косибчилик ҳунармандчилиги жуда ҳам тараққий этган.”[1]. деб ёзган эди. Улар ўз маҳсулотларини эҳтиёждан ҳам ортиқча тайёрлашган, ортиқча маҳсулотлар қўшни вилоят бозорларига, хаттоки, Россия ва Сибир бозорларига чиқарилган.

Дарҳақиқат, тарихнинг гувоҳлик беришича, Марғилон шаҳар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчиликнинг турли соҳалари темирчилик, косибчилик, тикувчилик ва бошқа кўплаб турлари билан шуғулланишган. Бироқ шаҳар ижтимоий ҳаётида савдо-сотиқни юқори даражага кўтарилишида ипакчиликнинг салмоқи ўринга эга эканлигини кўрамиз. Хаттоки Россия босқинидан сўнг ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари инқирозга юз тутиш ҳолатига келган бўлсада, ипакчилик ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ўз мавқеини йўқотмади, аксинча, шаҳарни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди [2].

Маълумки, ипакчилик Марғилон шаҳрида қадимдан ривожланган. Бу тўғрида номаълум тарихчи шундай деб ёзиб қолдирган: “Х асрда Марғилонда тўқилган бир дарпарда учун Бухоронинг бутун ер хирожини берса арзийди” [3].

Марғилонлик ипакчилар ўз маҳсулотларини нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этдилар ва шуҳрат қозондилар. 1886 йил Туркистон саноат ва кишлоқ хўжалиги кўргазмаси Тошкентда очилди, унда иштирок этган марғилонлик ипакчилар ўзларининг нафис ва жозибador меҳнат маҳсулотлари билан кўргазманинг медал ва мақтов ёрлиқларига сазовор бўлишди. Нафис матолар устаси марғилонлик Муҳаммад Содиқ Аҳмедов кичик кумуш медал билан, Мулла бобо Муллача, Қутлуг Ниёз Хожини ўзи етиштирган янги навли пилла ва ипак маҳсулотлари учун кўргазманинг бронза медали билан тақдирланди [4].

Марғилонда ипакчилик билан бир қаторда ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари ҳам XIX асрнинг охири XX аср бошларида ривож топган. Шундай соҳалардан бири заргарлик бўлиб, бу қадимги санъат тури ҳунарманддан алоҳида мохирлик ва санъаткорликни талаб қилган. Заргарлик асосан қиммат баҳо металллардан аёллар учун зеб-зийнат буюмлари: тиллақош, узуклар, билак узуклар, сирғалар, бўйинга тақадиган турли ҳажмдаги мунчоқлар ва бошқаларни ишлаб чиққанлар. Марғилонлик заргарлар тайёрлаган зеб-зийнат буюмлари ўзининг нафислиги, жозибadorлиги билан ажралиб турган.